Ушбу сонда:
2 *Бободеҳқон ҳаётидан хурсандми?* ЧЎЛ ОДАМЛАРИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 ЮРТ ШАЪНИ ДЕБ ЯШАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 июл, шанба №92 (739)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июл куни Оқсаройда Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Муралиевни қабул қилди.**

- Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётир, - деди Ислом Каримов. - Бироқ тан олиш керакки, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш Ўзбекистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам бирдек фойдалидир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтган мажлиси якунларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, бу борада зарур чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш, ўзаро сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

Қабул чоғида Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б.Сидиқов ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**Суратда: Қабул пайти.**
**А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ДАНҒАРА МАРРАДА

*Фарғона вилояти Данғара тумани ғаллакорлари маррага етди. Улар уйған хирмон 17 минг 712 тоннадан ортди. Ғалланинг иқлимбоп, серҳосил навлари экилганлиги муваффақият гарови бўлди. Ғалла ўрим-йиғимида 31 та дон комбайинлари билан бирга олтита «Кейс» агрегатидан юқори унум билан фойдаланилди.*

*Туманда ғаллани ўриб-янчиб олиш ишлари қизғин давом этмоқда, экиндан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экилмоқда.*

## ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Муралиев 9 июл куни Ўзбекистонга ташриф буюрди.**

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ва Қирғизистон Бош вазири О.Муралиев иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, маданий алоқаларни кенгайтириш, қатор бошқа соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, сув энергетикаси ва транспорт соҳаларидаги алоқалар, шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини янада мустаҳкамлайдиган янги ҳужжатларни тайёрлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мажлис якунида икки мамлакат Бош вазирлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзолади. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов ҳамда Қирғизистон Бош вазирининг ўринбосари К.Омаралиев ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисининг протоколига имзо чекди. Шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлиги билан Қирғизистон меҳнат ва ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ўртасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминлаш масалаларида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири мамлакатимиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. О.Муралиев Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, бу ерда юртимиз тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатларни томоша қилди. Шунингдек, Қирғизистон Бош вазири Тошкентдаги Хотира майдонини ҳам бориб кўрди ва мотамсаро она ҳайкалини зиёрат қилди.

**(ЎзА)**

## *Жўшқин ҳаёт нафаси*

### НЎХАТ ПОЯСИ - КЎСАК ҚУРТИ КУШАНДАСИ

Пахтачилик ва ғаллачиликда илғор тажрибаларни дадиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келаётган избосканлик уста деҳқон Абдуллажон Акбаров бу йил ғўза парваришида яна бир янгиликни қўллади.

Маълум бўлишича, ота-боболаримиз пахтачиликда катта зарар етказадиган кўсак қуртига қарши нўхат экиш билан курашган эканлар. Шу асосда Абдуллажон ака ҳам пахта далалари ҳар бир қаторининг кун ботар томонига бир эгат - бир қатор нўхат экишни йўлга қўйди. Кўсак қурти нўхат поялари, баргларини юмшоқлиги ва маззалигини хуш кўрар экан. Қарабсизки, барча кўсак қуртлари ғўзани тарк этиб, нўхат пояларига ўзини урган.

Мутахассислар ғўза оралаб нўхат экилган қарталарда бирорта ҳам кўсак қурти топа олмагандан кейин бу усулни бошқа хўжаликлар пахтакорларига ҳам тавсия этдилар.

### БИТИРУВ КЕЧАСИ

Яқинда Муборак агроиқтисодиёт коллежида коллеж ўқувчиларининг битирув кечаси бўлиб ўтди. Унда бирга ота-оналар ҳам иштирок этдилар. Кечани коллеж директори Олимжон Хайруллаев кириш сўзи билан очиб, тўпланганларни қизғин табриклади.

Шундан сўнг шўх мусиқа садолари остида битирувчилар рақсга тушишди. Уларнинг ота-оналари, яқинлари ҳам мусиқага ҳамоҳанг, фарзандлари билан битирув кечасида фаол иштирок этдилар.

- Ўғлим Баҳодиржон мазкур коллежнинг ҳуқуқшунослик бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. Фарзандим учун ўз билим ва маҳоратини аямаган коллеж ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман,-дейди ота-оналар номидан сўзга чиққан Мухлиса Мирзаева. - Ниятим фарзандим сингари ўқишни муваффақиятли тугаллаган ёшлар келгусида шу соҳа бўйича ўқишларини Олий даргоҳларда давом эттирсинлар. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон яшашлари учун фарзандларимиз учун барча имкониятлар яратиб берган Президентимизга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Битирув кечаси тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

### ИТАЛИЯГА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИГА

Хорижий тилларни ўрганиш бўйича Ўзбекистонда ўтказилаётган танловлар яхши самаралар бераётганлиги кўпчиликка маълум. Эндиликда мамлакатимизда итальян тилига бўлган қизиқиш ҳам ортиб бораётганини мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир.

Бундай хайрли ишни кенг йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан бамаслаҳат иш тутиб, яқинда ибратли тадбирнинг ташаббускори бўлди. Республикамиз олий ўқув юртларида итальян тилини ўрганаётган иқтидорли талабалар ўртасида уюштирилган танлов кутилган натижасини берди.

Итальян тилини пухта эгаллаётган ҳамда шу мамлакат ўтмиши ва бугунги кунига доир маълумотлардан яхши хабардор бўлган талабалар ўзаро беллашувда ғолиб деб топилдилар. Улар Италия ташқи ишлар вазирлигининг махсус грантлари билан тақдирланди.

Бу илмий маблағ ҳисобидан ғолиблар яқин тил ўрганиш курсларида сабоқ оладилар. Итальян тили ва маданиятининг бу курслари бепул ташкил этилади. Жумладан, Италиянинг Перужа университети тилшунослик бўлими йўли билан ҳам ўқув машғулотлари уюштирилади.

Ортилган билим ва малака республикамиз олий ўқув юртларида итальян тили сабоқларини олиб боришда маърифий омил бўлиб хизмат қилди.

**(ЎзА) ва «Ишонч» мухбирлари**

## ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида «Йилнинг энг яхши ижтимоий таъминот ходими» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Юқори даражада уюшган ҳолда ўтказилган танловда деярли барча туманлардан соҳа ходимлари иштирок этишди.

Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад, фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳа ходимлари малакасини оширишдан иборат.

Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси, ногиронлар жамияти ҳамда Узун туман ижтимоий таъминот бўлими ҳомийлигида бўлиб ўтган кўрик-танловда ғолиблар аниқланди.

Биринчи ўринни Бойсун тумани ижтимоий таъминот бўлими вакили Жамила Расулова, иккинчи ўринни термизлик Жаннат Жумаева, учинчи ўринни узунлик Замира Содиқова қўлга киритди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчилари ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Эъзоза ДАДАМАТОВА.**

## ЖИЗЗАХЛИКЛАР ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Жиззах вилояти ғаллакорлари шу кунларда 212 минг гектар майдонда етиштирилган ғалла ҳосилини уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олиш мақсадида зўр ғайрат-шижоат кўрсатишяпти. Ғаллазорларда 628 та комбайн юқори унум билан ишламоқда. 128 та «Кейс» комбайнининг ҳар бири билан кунига ўртача 23-25 гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинаётир. Бугунги кунгача вилоят бўйича ялпи майдоннинг ярмидаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ғалла тайёрлаш режаси 80 фоизга етай деб қолди.

Дўстлик тумани вилоятда биринчи бўлиб дон тайёрлаш давлат буюртмасини бажарган бўлса, ундан кейин Пахтакор, Мирзачўл туманлари ғаллакорлари ҳам маррага етди. Жиззах тумани деҳқонлари ҳам 25 минг тонна дон топшириб, зафар қучди.

- Туманимиз ғаллакорлари қўлга киритган муваффақиятга Ҳ.Олимжон, А.Навоий, Ҳ.Носиров, Н.Абдуолимов номли, «Самарқанд қудуқ» ва «Янги ҳаёт» ижара ширкатлар уюшмалари деҳқонлари муносиб ҳисса қўшди,- дейди туман ҳокими Парда Шукуров. - Биз ўз имкониятларимизни чамалаб, давлатга яна қўшимча 5 минг тонна дон етказиб беришга аҳд қилдик.

Вилоятнинг бошқа туманлари ғаллакорлари ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда. Зафаробод, Зарбдор ва Арнасой туманлари деҳқонлари ҳам эртаиндин белгиланган режани уддалаш арафасида. Юксалаётган хирмонга зафарободликлар 16 минг 330 тонна, арнасойликлар 23 минг 350 тонна улуш қўшмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил вилоятнинг 110 минг гектардаги лалми ерларида ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллаорол, Зомин, Фориш, Бахмал ва Янгиобод туманлари деҳқонлари ўрим-йиғимга ҳар йилгидан 10-12 кун илгари киришди.

Вилоят хирмонининг юксалишида ғаллачиликка ихтисослашган Ғаллаорол тумани меҳнаткашларининг ҳиссаси айниқса салмоқли бўлди. Чунки, туман ғаллакорлари бу йил 43 минг гектар лалмикор ерда ҳосил етиштирди. Улар ўриб-янчиб олинаётган ҳосилнинг 32 минг тоннасини давлатга сотиш мақсадида мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишяпти.

## *«Ҳушёрликка даъват»*

## БИР ТАН, БИР ЖОНМИЗ

Яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида олға сурилган долзарб масала-муаммоларни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раислари ва бошқа фаоллар иштирок этдилар.

Йиғилишда Марказий Қўмитанинг бош мутахассиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошланов Президентимизнинг «Ҳушёрликка даъват» мавзуидаги жавоблари ва ундаги олға сурилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда касаба уюшмаларининг ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, болалар оромгоҳларида турли тўгараклар ташкил этиш, ўқув жараёнида эса синфдан ташқари ишларнинг янада мазмунли ва қизиқарли бўлишига, ётоқхоналарда маънавий, маърифий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди.

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қандай бажарияпти?*

## НИМАНИ КУТАЯПСИЗ, ЎРТОҚ?

Ҳар куни иш юзасидан турли ташкилот ва муассасаларга йўлимиз тушади. Яқинда Нишон туманидаги «Балхияк» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлдик.

Йиғин раиси Эшбой Бобоев меҳнат таътилида экан. Фуқаролар йиғинида Шавкат Бобоев отлиқ киши билан учрашиб, Давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай бажарилаётганлиги хусусида сўрадик.

Тайинли жавоб олмагач, гапни ибтидодан бошладик.

- Айтингчи, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига қанча вақт бўлди?

- Бу йил саккиз йил тўлади,- ўйлаб ўтирмай деди Ш.Бобоев.

- Кечирасиз, Мустақиллигимизнинг саккизинчи йилини нишонлаш арафасида турибмиз...

- Билмадим, ҳар ҳолда анча вақт бўлди-ёв, - яна мужмал жавоб қилди суҳбатдошимиз.

Биз унга мазкур Қонун 1989 йил 21 октябрда қабул қилинганлигини тушунтирдик ва эшик пештоқидаги ёзувнинг маъносини сўрадик.

- «ВУС ўрток Ш.БОБОЕВ», - овоз чиқариб ўқиди у. Маълум бўлишича, фуқаролар йиғинида ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи экан. Эшик пештоғидаги суҳбатдошимиз қип-қизил ранг билан битилган ёзувли тахтачани алмаштириш маврида аллақачон етмадимикан?! Биргина у эмас. Раис хонаси эшигида ҳам алмисоқдан қолган битик ҳамон осиқлик турганлигини қандай тушуниш мумкин?

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Суратда: эшик пештоқидаги ёзув.**




## *Абитуриент-99*

## БАРКАМОЛ АВЛОД-ЮРТ БОЙЛИГИ

Денов шаҳар марказий шоҳбекатида ҳужжатлар қўлтиқлаб олган бир гуруҳ ёшларга дуч келдик. Улар ўзаро суҳбатлашиб туришарди.

— Бизнинг уйдагилар «Узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши», Денов пед-билим юртига ҳужжатларингни топширавер,- дея, гап бошлади новчароқ йигит.

— Ўтган йили менинг опам ҳам шу билим юртини битирди, шароитлари яхши экан. Мен ҳам шу ерга келавердим,- гапга қўшилди қорачадан келган қиз.

Хуллас, ёшларнинг Раъно Узоқова номли Денов педагогика билим юрти хусусидаги илиқ суҳбатлари бизда ҳам қизиқиш уйғотиб, илм маскани томон йўл олдик.

— Асосан кундузги ва сиртқи, бошланғич таълим ўқитувчиси, меҳнат таълими бўлимларига абитуриентлардан кўплаб аризалар тушмоқда. Ҳозирда ўқишга кирувчилардан мингдан зиёд аризалар қабул қилдик, - деди қабул комиссиясининг масъул котиби Зиёдулла Иномбердиев. Абитуриентлар асосан, Денов, Сариосиё, Узун ҳамда Шўрчи туманларидан келишган.

Билим маскани билан яқиндан танишиб, талабаларнинг ўқишлари учун барча шароитлар яратилганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Бу ерда айниқса, соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган экан. Ёшлар волейбол ва қўл тўпи, қизлар жамоалари вилоят, ҳатто республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритаётганликларини эшитиб, тўғриси, ҳавасимиз келди.

Йигит ва қизларни соғлом, билимли, маънавий бой кишилар этиб тарбиялаш энг асосий вазифамиз, - дейди билим юрти директори Орзиқул Файзиев.- Ўқув машғулотларини амалий машғулотлар билан чамбарчас олиб борамиз. Анчадан буён турдош Термиз педагогика билим юрти билан ҳамжиҳат ишлаймиз. Ўтган ўқув йилида мураббийларимиз билан бир гуруҳ талабаларимиз у ерда бўлишиб, шарт-шароитлар билан танишиб қайтишди. Кўпгина ишларни биргаликда ҳал этдик. Ўз навбатида билим юрти раҳбари Мусурмон Пардаев бошчилигидаги ўқитувчи ва талабалар биздаги шароитлар, тест-рейтинг усули ҳамда жисмоний тарбия машғулотларининг амалиётдаги натижаларини ўрганиб кетишди.

Шунингдек, бизга бошқа таълим муассасалари билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатишганини сўзлаб беришди. Чунончи, Денов агротадбиркорлик билим юрти ва Денов педбилим юрти ўртасидаги ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда...

Бу ерда таълим соҳасидаги ҳар бир янгилик тезда амалиётга жорий этилмоқда. «Сиз қонунни биласизми?» «Маҳалла, оила ва фарзанд», «Балли, қизлар» каби тадбирлар ўқув тизимига ижобий таъсир кўрсатса, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар билан учрашувлар талабаларнинг пухта билим олишига ёрдам бермоқда.

Ўқув юртида ютуқлар билан биргаликда муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, малакали мутахассис ўқитувчилар етишмайди.

Шунга қарамай билим юрти бугун ҳар қачонгидан гавжум. У ўзининг янги талабаларини қабул қилиб олишга шай бўлиб турибди.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ**
**«Ишонч» мухбири.**

*Эл соғлиғи — юрт бойлиги*

# САНАТОРИЙ - ПРОФИЛАКТОРИЙ -
## ИШЧИЛАР СИҲАТГОҲИ

**«Тоштўқимачи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти пойтахтимизнинг энг йирик, ўзига хос анъанасига эга бўлган корхоналаридан биридир. Ҳозирда бу ерда 10 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчи сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти аёллардир.**

Корхона ёнгинасида санаторий-профилакторий жойлашган. Меҳнатчилар ишдан ажралмаган ҳолда, кимлардир таътил даврида шу севимли масканда мириқиб дам оладилар, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Йўлланма нархи арзон. У имтиёзли, битта йўлланма минг сўм атрофида. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга эса бепул.

Санаторий-профилакторий Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик харажатлари эса корхона ҳисобидан амалга оширилаяпти.

Мазкур профилакторий 1947 йилда очилган. Ва то шу кунгача ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни соғломлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Яна бир жиҳати - ишчиларнинг касб касалликларига чалиниш холатлари камаймоқда.

Санаторий-профилакторий ҳовлисидамиз. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўзгача бир файз бағишлаган. Анвойи гулларнинг хушбўй ҳиди таралади. Бош шифокор Неля Шарипованинг кайфияти чоғ.

— Ишлар кўнгилдагидек кетаяпти,-дейди у саволга тутишимизни сезиб.- Даволанувчилар кўнгилли дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашмоқда. Икки нафар олий тоифадаги шифокор ҳамда 30 нафар тиббиёт ходими ўз бурчини сидқидилдан бажармоқда. Шароитимиз жойида. Шифо маскани корхона ёнида бўлганлиги айниқса яхши. Ишчи-хизматчилар қийналмай, йўлга ортиқча сарф-харажат қилмай бу ерга келадилар. Муолажалар қатъий белгиланган тартиб асосида ўтказилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1000 га яқин киши соғломлаштирилди.

Шароит, хизмат маданияти чинданам намунали. Кунига 4 маҳал сифатли овқат берилади. Таомларни тайёрлашда даволанувчилар фикр-мулоҳазалари алоҳида инобатга олинади. Йўлланма 21 кунга мўлжалланган. Физотерапия, уқалаш, турли гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар ёрдамида даволаш яхши йўлга қўйилган. Дори-дармондан тақчиллик йўқ. Хоналар файзли, салқин, дид билан безатилган. Маданий тадбирларга қизиқиш тобора ортмоқда. Корхона ишчилари хоҳлаган пайтда шахмат-шашка ўйнаши ёки кутубхонада ўзи қизиққан адабиётларни севиб мутоалаа қилиши мумкин. Дам олувчилар билан суҳбатлашганимизда болалар ҳам мириқиб дам олишаётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Ижтимоий суғурта бюджетидан 1998 йилда 10 миллион сўм, жорий йилнинг шу даври ичида эса 8 миллион сўм маблағ ўтказилди. Бинони таъмирлаш учун маъмурият томонидан 2 миллион сўм маблағ берилди. Керакли жиҳозлар янгиларига алмаштирилди. Касаба уюшма вакиллари вақти-вақти билан бу ерда бўлиб муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам, йўл-йўриқ, маслаҳатлар бермоқдалар.

Бизга энг маъқул бўлгани дам олувчиларнинг чеҳраси очиқ, кайфияти аъло. Бу уларнинг дил сўзларида ҳам ўз ифодасини топган.

— Ўн йилдан буён фақат шу сиҳатгоҳда - қадрдон санаторий-профилакторийимизда дам олиб, соғлиғимни мустаҳкамлайман,-дея фикрини ифодалади ишчи Илмира Охунова.- Меҳнаткашларга шундай имкониятлар яратиб бераётган ҳукуматимизга, меҳрибон Президентимизга раҳматлар айтамиз. Ўзи бу йил анча омадли келди. Аввало цехимизга замонавий дастгоҳлар ўрнатилди, ижтимоий ҳимоя янада яхшиланди. Ишдан ажралмаган ҳолда мана шу ерда мириқиб дам олиш мумкин. Бундай имконият ҳамма ерда йўқ албатта. Соғлиғимга айниқса игна санчиш орқали даволаш, сув муолажалари катта ёрдам бераяпти. Яна бир яхши томони - ўзимиз билан дам олаётган фарзандларимизни вақти-вақти билан шаҳар бўйлаб саёҳатга олиб боришади. Аёл киши учун фарзандини қувноқ ва соғлом кўришдан ортиқ бахт борми!

— Шифокорлар ширин сўз, ғоят тажрибали,- дея суҳбатга қўшилди меҳнат фахрийси Зоя Баскова.- Сўнгги вақтда касб касаллигига чалингандим. Шогирдларим шу ерда дам олишни маслаҳат беришди. Мана 18 кун ичида дарддан фориғ бўлиб, аъло кайфиятда уйимга қайтаяпман. Жонга-жон шифокорлар Валентина Сургутанова, ҳамширалар Светлана Собирова, Татьяна Григорева, Наталья Бичковалардан ғоят миннатдорман.

Ўз касбининг усталари ҳақида гап кетганида бош шифокор Неля Шарипова қўли енгил тиббиёт ходими Моҳира Холмирзаева хусусида алоҳида тўхталди. У ўз касбининг чинданам пири. Тўғри ташхис қўйишда олдига тушадигани кам. Шунингдек, Моҳира дўхтир яхши ташкилотчи. Турли касалликларнинг олдини олишга оид суҳбатлари, маслаҳатлари кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Кўп миллатли кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат туфайли бозор қийинчиликлари муваффақиятли енгиб ўтилаяпти. Ишлаб чиқариш цехларида яратувчилик меҳнати авжида. Тўқувчилар республика мустақиллигининг саккиз йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан қаршилаш учун омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Корхона касаба уюшма қўмитаси катта обрўга эга. Унинг 25 аъзоси кўпинча ишчи-хизматчилар орасида бўлиб одамлар кайфияти, орзу интилишлари, муаммолари билан яқиндан танишадилар. Лозим бўлса, ишчига амалий ёрдам ва мадад кўрсатилади. «Аёллар йили» муносабати билан ибратли тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра ижтимоий ҳимоя масаласига эътибор кучайтирилди. Нафақат корхона ишчилари балки бу қутлуғ даргоҳда ишлаган ва ҳозирда қарилик гаштини сураётган фахрийлар ҳам алоҳида меҳрибонлик билан қуршаб олинган.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Саидаъзам Саидхонов билан корхона шифо масканини томон бораётганимизда ўзини Бурхон Бобохўжаев деб таништирган нуроний бизга юзланди.

— «Ишонч» газетасидан эканлигингизни эшитиб бир оғиз гап айтгани келдим.

Ота бир сония фикрини жамлагач, сўзида давом этди:

— Шу ажойиб корхонада ишлаган қарийб 300 нафар уруш ва меҳнат фахрийси бор. Касаба уюшмаси бизга катта ёрдам ва мадад кўрсатиб келаяпти. Қадрдон корхонамиздаги ҳар бир тадбирда иштирок этаяпмиз. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Оилада бироз қийинчилик сезилганда, корхона касаба уюшмасига мурожаат қилдим. Моддий ёрдам кўрсатишди. Хотира ва Қадрлаш кунида олган совғам ҳам умримнинг мазмуни бўлиб қолган корхонамдан оиламга бир умр эсдалик.

Маълум бўлдики, бу ерда ижтимоий ҳимоя масаласига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ишчи-хизматчиларга 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан қарийб 4 миллион сўмлик совғалар улашилди.

Шинамгина хонада Карима Алимова, Ғулом Исахонов, Ноила Иброҳимова каби меҳнат фахрийлари ёшлар ўртасида тарбиявий-ташкилий ишларни намунали йўлга қўйиш, малакали ишчи кадрлар тайёрлаш, жамоадаги соғлом, ҳамжиҳатлик муҳитини янада яхшилаш хусусида фикрлашиб ўтиришган экан.

— Касаба уюшма қўмитаси аъзолари одамлар орасида кўпроқ бўлишаётгани ташкилот обрўсини оширмоқда.-дейишди мураббийлар.- Ҳаммамиз эндиликда касаба уюшмалари меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқи, манфаатларининг устувор ҳимоячиси эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдик. Бунда фаоллардан Таисия Говорова, Зебинисо Тўхтамишова, Ниғматилла Каримовларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Баъзи цехлардаги иш жараёни анчайин мураккаб кечади. Тик оёқда туриб соатлаб ишлашнинг ўзи бўлмайди албатта. Буни ҳисобга олган корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси соғломлаштириш ва дам олишни намунали ташкил этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаган.

Айнан шундай шароитда ишловчилар учун санаторий-профилакторийлар ниҳоятда зарур. Шунингдек, кўп болали аёлларнинг корхонанинг шундоқ ёнгинасида жойлашган сиҳатгоҳда даволанишлари айни муддао. Чунки улар фарзандлари ва оиласини ёлғиз қолдириб узоққа бора олишмайди. Боз устига худди шу санаторий-профилакторий шарофати билан меҳнатга лаёқатсизлик варақасини кўтариб келувчи ишчилар сони кескин камайди.

Дам олувчилар дил сўзларини тинглар эканмиз, қуйидаги хулосаларга бордик: ажойиб корхонанг, унинг ёнида ҳамма ҳавас қиладиган шифо масканининг бўлишига нима етсин! Энг муҳими ишчи-хизматчилар корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси яратаётган имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар. Бу уларнинг шодон чеҳрасида, кун сайин унумли бўлиб бораётган меҳнатлари самарасида ўз ифодасини топмоқда.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**







Боку

# OLAMDA NIMA GAP

**С О Ф И Я. Болгария пойтахтига НАТО Бош котиби Хавьер Солана амалий ташриф билан келди. Ташриф давомида у Болгария Президенти Пётр Стоянов, парламент раиси Йордан Соколов ҳамда ташқи ишлар вазири Надежда Михайлова билан учрашади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, учрашувлар чоғида София ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик, Болгариянинг Косово муаммосини бартараф этишга қўшаётган ҳиссаси ҳамда Болгариянинг НАТОга кириши истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади. Шунингдек, Х.Солананинг Болгария парламентида нутқ сўзлаши ҳам кутилмоқда.**

* * *

**Н Ь Ю - Й О Р К.** *БМТ Бош котиби Кофи Аннан Серра-Леоне ҳамда қўзғолончиларнинг Бирлашган Революцион Фронти (БРФ) ўртасида тинчлик битими имзоланганлигидан мамнуният изҳор этди. 7 июл куни Того Лома шаҳрида мамлакат Президенти Аҳмад Тежан Каббой ва БРФ раҳбари Фоде Санко ўртасида имзоланган мазкур ҳужжат 1991 йилдан бери давом этаётган фуқаролар урушига чек қўйишга қаратилган. К.Аннан бундан буён Серра-Леоне халқи ўз мамлакатини тиклаш ва мамлакатда барқарорлик жараёнлари бошланишига умид билдирди.*

* * *

**Б О К У. Озарбайжон пойтахтига Австрия ташқи ишлар вазири Вольфган Шуссел расмий ташриф билан келди. У Президент Ҳайдар Алиев билан учрашди, шунингдек, ташқи ишлар вазири Тофиқ Зулфуқор билан музокаралар ўтказди. Музокаралар чоғида икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳамда Арманистон ва Озарбайжон ихтилофини ЕХҲТнинг Минск гуруҳи доирасида барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди.**

**Озарбайжон ҳукумати мазкур ташрифга катта аҳамият бермоқда. Чунки Австрия 2000 йилда ЕХҲТга раислик қилади.**

* * *

**К И Е В.** *Украина ва Германия ўртасидаги олий даражадаги ҳукуматлараро маслаҳатлашувларда иштирок этиш учун Украинага Германия федерал канцлери Герҳард Шрёдер ташриф буюрди. Ташриф дастурига кўра, у Украина Президенти Леонид Кучма ҳамда бош вазир Валерий Пустовойтенко билан учрашди. Г.Шрёдерга ҳамроҳлик қилган немис делегацияси таркибида ташқи ишлар, молия, атроф муҳитни ҳимоялаш вазирлари ва бошқа вазирликлар раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралардан вакиллар қатнашди. Маслаҳатлашувлар давомида бир қатор ҳужжатлар имзоланди.*

* * *

**Б И Ш К Е К. Қирғизистонда чигирткаларнинг ялпи «ҳужум»и кутилмоқда, деб хабар беради «КАБАР» ахборот агентлиги. Республика фуқаро мудофааси штабида бу офатга қарши қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётир.**

**Хабарда таъкидланишича, чигирткага қарши ишлатиладиган кимёвий дорилар ва бу дориларни сепиш учун талай техника воситалари зарур бўлади. Бироқ дори сепадиган самолётлар ҳамда кучли пуркагич ўрнатилган тракторлар муаммо бўлиб турибди. Кимёвий дорилар ҳам ҳозирча етарли эмас. Шу боис чигирткаларга қарши қўлланиладиган кимёвий дориларни етказиб бериш юзасидан Германия фирмаларидан бирига мурожаат қилинди.**

* * *

**Қирғизистон ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини мувофиқлаштириш учун қатор тадбирларни ишлаб чиқмоқда, деб хабар беради «КАБАР» ахборот агентлиги мухбири. Мамлакат бош вазири А.Муралиевнинг билдиришича, жорий йил ҳосили ўтган йилга нисбатан дуруст, шу боис, деб таъкидланади хабарда, гўшт ва сутнинг нархи ниҳоят ўсишдан тўхтаган.**

* * *

**О С Т О Н А.** *Яқинда Австриянинг Залцбург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Қозоғистон делегацияси анжуман қатнашчиларига Қозоғистон нефт сектори сармоя билан таъминланиши кўзда тутилган қатор лойиҳаларни тақдим этди, деб хабар беради «КАЗААГ» ахборот агентлиги.*

*Қозоғистон Президенти Н.Назарбоевнинг айтишича, Қозоғистон 20 миллион тонна нефтни Болтиқбўйи мамлакатлари орқали Европа бозорига чиқаришни режалаштираётир.*

**(ЎзА)**

# МЕҲРИ ДАРЁ ОНАЛАР

Мирзаобод туманининг «Деҳқонобод» қишлоқ маданият уйида «Аёллар йили»га бағишлаб «Меҳри дарё оналар» номли тадбир бўлиб ўтди. Тадбирга кўп болали оналар, Мирзачўлни обод қилишда иштирок этган аёллар таклиф қилиндилар.

Улар бугунги кунда долзарб масалалар қаторидан жой олган аёлларнинг жамиятдаги ва оиладаги мавқеини ошириш, давлатимизнинг уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояларини кучайтириш борасидаги давлатимизда олиб борилаётган амалий ишлар хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, улар ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда янги турмуш қурган оилаларнинг мустаҳкам илдиз отишида кўпни кўрган қайноналарнинг роли катталиги, яъни оилаларнинг бузилиб кетмаслиги кўпинча оила катталар қўлида эканлигини таъкидладилар. Бу тадбир маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзаобод туман қўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, унда туман ҳокими муовини Уммат Маллаев, туман маданият бўлими мудири Раҳмонали Самадовлар иштирок этдилар. Суҳбатлар сўнгида маданият бўлими томонидан қизиқарли концерт дастури намойиш этилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Ҳосил - 99»*

# ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Жондор пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари учун дастлабки мавсум ёмон кечмади. Жамоа жуда қисқа фурсатда 33 минг тонна пахтани қайта ишлашнинг уддасидан чиқиб, тилга тушиб қолди.

- Замонавий технологик ускуналар билан тезда тиллашиб, юксак сифат ва самарадорлик сари астойдил қилинган ҳаракатларимиз зое кетмади. Қолаверса, инсон омилига бўлган эътибор, ҳар бир меҳнат кишисига ғамхўрликни кучайтира бориш эвазига мана шундай ютуққа эришдик,- дейди корхона касаба уюшмасиинг раиси Бахтиёр Самиев.

Ҳа, янги корхонанинг илк қадами қутлуғ келиши учун ҳамма бир жон бир тан бўлиб елиб-югурди. Иш мароми вазиятга қараб баъзан 2, баъзида 3 сменада олиб борилди. Шу боисдан ҳам жамоа турдош корхоналар орасида пешқадамлардан бўлиб, ўтган йилги пахта хом ашёсини қайта ишлашга улгурди.

Мавсум якунига кўра тумандаги Ҳамза номли пахта қабул қилиш маскани аҳил жамоаси (раҳбари Дилмурод Ҳаққиев) энг сифатли пахта етказиб, фахрли 1-ўринни эгаллаб 50 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари пахта қабул қилиш масканларининг пешқадам ишчиларига ҳам меҳнатдаги улкан ютуқлари эвазига тармоқ касаба уюшмаси кенгашининг ҳамда корхона маъмурияти таъсис этган қимматли совғалар улашилди. Тўлқин Эгамбердиев, Шоназар Беков, Жума Норов, Люция Нагимова, Валя Раззоқова, Самад Саломов, Даврон Рўзиев, Камол Каримов, Ҳасан Бозоров, Икром Иброҳимовлар ана шундай эҳтиромга сазовор бўлганлардан саналадилар. Уларнинг аксариятига тўн кийдирилди.

Мукофотларни завод директори Жамилов Рашид тантанали равишда топширди. Бир пиёла чой устидаги дийдорлашув онларини корхона аҳли ва бу ерда ҳозир бўлган меҳмонлар анча хотирлаб юсалар керак.

Корхона аҳли ғамхўрликларга жавобан янги мавсум тараддудига ҳам қизғин киришиб кетди. Шу кунларда таъмирлаш ишлари ҳар қачонгига нисбатан авж олдириб юборилган.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бободеҳқон ҳаётидан хурсандми?*

# ЧЎЛ ОДАМЛАРИ

**«Гулистон» жамоа-ширкат хўжалиги марказини кезиб, кенг асфальт йўллар, кўркам мактаб, боғча, клуб, замонавий турар-жой биноларини кўриб ҳамроҳингизга бу ерлар бир пайтлар «одам ўтса оёғи, қуш учса қаноти куяди»ган жой бўлганлигини айтсангиз, рости ишонмайди.**

Хўжалик аҳли унумли меҳнатдан сўнг, кечқурунлари кинотеатрга ошиқишади. Бу ерда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

Бир пайтлар оддий пойафзални таъмирлаш, радио, телевизорни тузаттириш учун туман маркази Мубораккa қатнаб ҳам вақтни, ҳам имкониятни қўлдан бой берган гулистонликлар эндиликда маиший хизматдан тўла баҳраманд бўлишаяпти. Тиббиёт пункти, ҳаммом, этикдўзлик, телерадио таъмирлаш устахонаси, сартарошхона аҳоли хизматида. Хонадонлар тўла газлаштирилиб, тоза ичимлик суви билан таъминланган.

— Истиқлол йилларида хўжалигимизда ҳам барча соҳаларда ривожланиш бўлди,- дейди жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Усмон Намозов, - давлатга пилла, ғалла сотиш режаси ортиғи билан бажарилди. Албатта, меҳнатдан топилган маблағлар, аҳоли иқтисодиётини юксалтиришга, қишлоқларни ободонлаштиришга маданий, маърифий соҳаларни ривожлантиришга ишлатилаяпти.

Раис ҳақ. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган жамоада ҳақиқий, мард ва танти деҳқонлар, соҳибкорлар меҳнат қилаяпти.

Аёллар йилидаги режаларга назар ташлайлик: мавжуд 2150 гектар майдондан 5 минг тонна чўл дурдонаси саранжомлаб олиш кўзда тутилган. Майдонларнинг асосий қисмида серҳосил «Юлдуз» нави парвариш қилинаяпти. Чорвачилик соҳасида ижобий ютуқларга эришилаяпти.

Яқиндагина давлатга пилла сотиш режасини ортиғи билан бажарган гулистонликлар яна бир ютуққа эга бўлдилар. Ғалла тайёрлаш режаси республикадаги хўжаликлар ичида ҳам биринчилар қаторида удаланди. Мавжуд 2200 гектар майдондаги ғаллазордан режадаги 3530 тонна ўрнига 3800 тонна сара дон саранжомлаб олинди.

— Бу хўжалик барча соҳада пешқадам. Одамлари аҳил, меҳнаткаш, изланувчан. Туманнинг ҳар бир ютуғида гулистонликларнинг ҳиссаси катта. Бу жамоада аввало, меҳнатни ташкил этиш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилган. Бу ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Ҳа, қаерда инсон меҳнати адолатли баҳоланса ўша ерда арзигулик ютуқларга эришилади.

Хўжалик маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган шартномага асосан ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашда бор имкониятдан фойдаланилаяпти.

— Ғаллачилик, пахтачилик мавсумини бошлашдан олдин тадбирлар белгилаймиз,-дейди касаба уюшма қўмитасининг раиси Саиднаби Баратов,- ғалла мавсумини тез ва соз якунлаш, етиштирилган донни нест-нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш мақсадида барча имконият ишга солинди. Ўрим-йиғимда иштирок этаётган ишчи-хизматчилар учун 3 маҳал иссиқ овқат ташкил этилди. Илғор комбайнчилар, дон ва сомонни ташишда қатнашаётган автотранспорт ходимлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди. Мавсумда энг кўп ҳосилдорликка эришган кичик ширкатлар учун ҳам алоҳида мукофотлар қўйилган. Ботир Тилаков, Рўзибой Ғойипов, Жалил Раҳматовлар доимо илғор. Рағбатлар одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатини яхшилайди, албатта.

Гулистонликлар доимо изланишда. Улар мустақил республикамизни ҳар томонлама юксалишига ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари билан фахрланишади. Фидокорлар истиқлолнинг 8 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишаяпти. Истеъдодли санъаткор Фозил Маъдиев раҳбарлигидаги фольклор ансамблининг хушовоз хонандалари ва раққосалари айни кунларда хорижга - Германияга ижодий сафарга бориш учун ҳозирлик кўришаяпти.

**Абдулла АЙИЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

